



ДЎПИЛАРГА
ЛОЙИҚ БОШЛАР
ИЗЛАНДИ ВА...

4

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА 46 КУН ҚОЛДИ



ҚАЧОНГАЧА АВЛОДЛАРГА
ХАТОЛАРИМИЗНИ
МЕРОС ҚОЛДИРАМ

5

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТИ

1995 йил 10 июлдаги чекка бонусдан

www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

тикланиш

№ 29 (1131) 2021 йил
8 сентябрь, қорша-ба

1999 6010-7114

СОСЕРЧИ

ҚЎМСАШ

ёхуг ХДПдан
Ўзбекистон Республикаси
ПРЕЗИДЕНТ ЛИГИГА
кўрсатилган номзод мамлакатда
СОБИҚ ИТТИФОҚ
тартиб-тамоилларини
ҚАЙТАРМОҚЧИМИ?

«... аққиллаган
лайчаларнинг
хаммасига тош
отаверсанг,
манзилингга
етиб боришинг
қийинлашади»
Уинстон Черчилль

3



Қадимий ҳамда навқирон муаммо

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан «Оилавий ажримларнинг олдини олиш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик томонидан олиб борилган ишлар ҳақида тадбир иштирокчиларига маълумотлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, оилавий ажримларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаролар йиғинида «Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси» фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу комиссиялар амалда бўлган Яраштириш комиссиялари негизда ташкил этилди. Комиссиялар таркибига ибратли, кайвони, психолог, отиноий ва имом хатиблар, нуроний онахон ва отахонлар, жамоатчи фаоллар жалб этилди.

— Оиладаги маънавий барқарорлик кўпроқ аёлнинг кайфиятига боғлиқ, — дейди вазирликнинг Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бошқармаси бошлиғи Мукаррам Нурматова. — Узини-ўзи банд қилган ёки иш билан таъминланган аёлнинг эса ҳамиша кайфияти аъло бўлади, уйда ҳам майда-чуйда гап-сўзлар, келишмовчиликларга вақти қолмайди. Шу боис, биз кўпроқ Тадбиркорлар уюшмаси билан ҳамкорликда аёлларни иш билан таъминлаш масаласига эътибор қаратяпмиз. Аслида оилавий келишмовчиликларнинг асосини ҳам кўпроқ иқтисодий етишмовчилик келтириб чиқараётгани бежиз эмас. Бугунги тадбир мавзусининг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда анжуман қизгин баҳс-мунозаралар шаклида ўтганини таъкидлаш жоиз.

Давоми 3-бетда

НЕГА ҚОНУН ЛОЙИХАСИГА



ИСЛОМ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА МОЛЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ ТУШУНЧАСИ КИРИТИЛАДИ?

◦ **УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР ЭЪЗОЗДА**
2-бет

◦ **ТАЪЛИМ КРЕДИТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?**
4-бет

◦ **«БИР ОИЛАГА БИР ФАРЗАНД»**
7-бет



— Бола туғилганидан то мактабни тугаллагунча бўлган даврни ўз ичига олган ягона тарбия ва таълим тизимини яратиш учун Оила — боғча — мактабни ягона тизимга бирлаштирамиз.

«Миллий тикланиш» демократик партиядан Президентликка номзод Алишер Қодиров дастуридан

4

ОТ КИМНИКИ? ЖИЛОВЛАГАННИКИ

8

ИККИ ҚАРРА МАТОНАТ СОҲИБЛАРИ!

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ


Сўранг, жавоб берамиз

АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ЖУРНАЛИСТ САЙЛОВ УЧАСТКАСИГА ТАШРИФ БУЮРГАНДА ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА МУЖБУРИЯТЛАРГА ЭГА?

Аккредитациядан ўтган журналистнинг сайлов участкасига ташриф буюргандаги ҳуқуқлари:
- сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш;

- сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;
- сайлов комиссияларининг қарорлари нусхаларини ОАВда ёритиш учун олиш;

Давоми 3-бетда



ёхуд ХДПдан ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОД МАМЛАКАТГА СОБИҚ ИТТИФОҚ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚАЙТАРМОҚЧИМИ?

Сиёсий партиялар ўз фаолиятидаги энг қизғин паллага қадам қўяётгани яққол сезила бошланди. ТВ дастурларида, радио, газета-журналлар ва, албатта, ижтимоий тармоқларда бош мавзу сифатида сайлов мавзуси танланяпти.

Сайловчида эса аини шу паллада кимнинг-ким эканини ажратиб олиш, баҳо бериш ва албатта, хулоса қилиш икони яратилляпти. Зеро, ниҳоятда қиска бир даврда қўлга қиринилган натижалар билан бирга сиёсий ҳатолар, аразлашлару, «қовун туширишлар» ҳам кўзга ташланаёттир.

Кимдир кам таъминланган аҳолига яхши кўриниш илинжида бой катлам учун янги солиқ турини жорий эттишга ваъда бераётган бўлса, бошқа бир номзод қачондир ва қаердадир қоғозга туширилган фикрлар ўз партияси томонидан «хусусийлаштириб олинганини» иддао қилиб, рақиб партия етакчисини «ўғирлик»да айблаб бошлади. Сайловга қирмай туриб, тиззаси қалтираётган бундай кучлар халигача ҳазрати сайловчининг талабию истаги ҳақида ўйлашга эрта деб ўйлаётдилар чоғи...

Айрим партиялар эса хорижлик биродарларига ўхшашни ютуқлар гарови дея ҳисоблаётган кўринадилар.

Хабарингиз бор, Россия Президенти Владимир Путин 18-бор ўтказилган очик мулоқотда собиқ иттифоқни тиклаш ёхуд тиклашга уринишни мантисизлик деб атади. Бутун дунё кўз ўнгиде янграган ушбу фикр гўё айрим сиёсатдонларнинг СССРни қайта тиклаш ҳақидаги ажаб-товур мулоҳазаларига нисбатан расмий Кремлнинг муносабатидек янгради, дейиш мумкин.

Зеро, узок йиллардан бери айрим сиёсий кучлар, айниқса, Россия сиёсий элитасининг ўзи ҳам унчалар ҳушламайдиган Владимир Жириновский СССРни қайта тиклашга уриниш «операцияси»да «бош роляни ижро этаётган эди.

Хусусан, у Беларусь ва Қирғизистоннинг яқин тарихида юз берган воқеаларга тўхталиб, «охир-оқибат 90-йилларда чегаралар қандай ҳолатда бўлса, ўша ҳолатга қайтиш керак»лиги ва бундай ўзгаришларнинг Россия учун фойдали жиҳатларига ургу бериб келаяётганини таъкидлаш жоиз.

Тан олиш керак: аини пайтда Россиянинг бир қатор оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу мавзунинг «долзарб» эканини хуш кўрадиган сиёсатдонларга кўпроқ минбар бермоқда. Яқин-яқиндан бошлаб эса ушбу мавзу ижтимоий тармоқларда ҳам чуқур «тахлил» этила бошланди. Яъни, «Интернет олами» СССРнинг қайта тикланишини «қўллаб» фуқаролар хохлаётганига ургу бериб, «реал ҳаёт ҳақиқатини» ақс эттиришга уриняпти. Масалан, Россиянинг Қурган шаҳрида халигача ўзини СССР фуқароси деб ҳисоблайдиганлар сони кўпайиб бораётгани, улар манфаатини химоя қилаётган гуруҳ эса «СССР граждандарининг Қурган область совети» деб номланиши сингари «тасодикий» хабарлар шулар жумласидандир. НТВ канали таркатган хабарларга кўра, аини пайтда Подмосковье, Краснодар, Удмуртия, Ижевск ва Саратовда ҳам ўзларини СССР граждандарига деб ҳисоблайдиган фуқаролар бор. Москва областида эса ана шундай фикрловчилар маҳаллий маъмуриятга қарашли биноларни бўшатиш талаби билан ҳам чиқишган. Аввал ҳам ёзганимиздек, уларнинг ўз байроқлари ва ҳатто СССРнинг хиди анкиб турган пулигача борлиги айтиммоқда. Тўғри, Россиянинг ўзида бундай гуруҳлар талабини, улар-

нинг телбанамо ажирашларини жиддий қабул қилиб бўлмадлиги таъкидланяпти. Аммо 30 йилдан бери мамлакат сиёсий майдонини тарқ этмаётган ЛДПР раҳбарининг «билишсаҳазил, билшимасачин» қабилдаги мулоҳазалари оз бўлсада, иттифоқ тарихидан хабардор бўлган кишиларни хушёрликка ундаши табиий.

Тарихнинг далолатича, империалистик мафкура ҳеч қачон ва ҳеч қимга ўзаро ҳамкорлик учун равон йўл бермаган. Россиянинг айрим сиёсатшунослари, айниқса, Владимир Жириновскийга ўхшаганларнинг собиқ иттифоқни тиклаш мамлакат миллий хавфсизлиги учун муҳим экани ҳақидаги иддаолари бошқа давлатларда Россияга нисбатан ижобий қарашларни ҳам шакллантирмайди, албатта.

Тўғри, Жириновскийнинг алаҳсирашлари ҳеч қимга янгилик эмас. Аммо кейинги пайтларда расмий нашрларда ҳам бундай ажабтовур муносабатлар кўпайса кўпаймоқдаки, қамаяётгани йўқ.

Масалан, 2020 йилнинг октябрь ойида РИА Новости Пётр Ақопов исмли яна бир «норасмий»нинг ажабтовур муносабатини эълон қилди. Унда яқин тарихда рўй берган Донбасс воқеаларидан тортиб, Тожикистонда ўтган сайловларга, Қорабоғ фожиасидан тортиб, Қирғизистонда юз берган инквизицияга тахлил этилиб, бунинг сабаблари кўрсатиб ўтилди ва «ҳақиқий» Россия 1991 йилда парчаланиб кетгани «афеус» билан эсга олинди.

Шуни унутмаслик керакки, ОАВ қудратли куч. Ҳар қандай ахборот эса ёлғонми, ростми, барибир ижтимоий фикрнинг шаклланишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, бугунги реал вазият иссиқ уйдан ташқарига чиқмасдан ҳам маддоҳлик қилаётган бир гуруҳ лўттибозларнинг миллионлаб фуқаролар фикрини ўзгартариши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Агар ана шу ахборотлар жамланиб, чуқурроқ тахлил этилса, уларнинг тизимли тарзда эълон қилинаётганини кўриш мумкин. Тўғри, жазавга тушаётган Жириновскийнинг алаҳсирашларига Россияда ҳам кескин муносабатлар билдириляпти. Эсимда, «Воскресный вечер» кўрсатувининг 2020 йил 2 ноябрдаги сониде Владимир Соловьёв «энди диктатор этиб қимни тайинлаймиз», дея Жириновскийга шундай савол берди-ки, ушбу савол замиридаги кесатқини фақат томошабингина хис этиши мумкин эди.

Бирок бундай кесатқилар Жириновскийнинг қотиб қолган қарашларини ўзгартаришга ожизлик қилаётган кўринади. Чунки яқинда ушбу сиёсатчи яна шу мавзунини кўтариб, Россиялик сиёсатчиларни қўллаб-қувватлашга чақирди.

«Уинстон Черчилль «... ақиллаган лайчаларнинг ҳаммасига тош отаверсанг, манзилингга этиб боришинг қийинлашади», деганида Жириновскийга ўхшаганларни назарда тутган бўлса керак. Черчиллнинг доно ўғитига қулоқ тутиб, ушбу шахсининг сўзларига эътибор бермасак тўғри бўлар эди, лекин қисқача фикримни билдириб қўйиш зарар қилмайди, деб ўйладим, – дея ёзди «Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси Алишер Қодиров.

– Биринчидан, Жириновскийнинг бундай баёнотлари, ҳатто норасмий бўлса ҳам, Россиянинг халқро обрўсига зарар етказида, холос. Яъни, мамлакатнинг

кам сонли ҳамкор давлатларининг ҳам ривожланган дунё каби Россия босқинчи ва иккиюзламачи давлат дея хавотирланяптиларига йўл очади.

Иккинчидан, бугунги Россия Рус империясини тиклаш, бошқа ҳудудларни қўшиб олиш ҳақида эмас, асосан тарқалиб кетмаслик ҳақида кўпроқ бош қотираляпти, десам мулоҳаза бўлмайди. Шу сабабли ҳам Жириновскийнинг юқоридагидек алаҳсирашларига рус расмий доиралари биринчи бўлиб муносабат билдиришлари керак.

Учинчидан, кейинги вақтларда Россия расмий доиралари Марказий Осиёда маҳаллий русларга ҳурматсизлик кўрсатилаётгани тўғрисида алоҳида субъектларга санкциялар қўлламоқда. Лекин бошқа миллатларга ҳурматсизлик

қилаётган ўз расмийларига нисбатан сукут сақлашни маъқул қўришяпти. Бу иккиюзламачилик эмасми?

Марказий Осиёда яшаётган рус ватандошларимизнинг маҳаллий аҳоли билан муносабатлари бузилишига эса айнан шундай қалтабин баёнотлар ҳам сабаб бўлмоқда.

Менимча, биз ҳам мамлакатимизга ҳурматсизлик қилаётганлар учун санкциялар жорий қилиш ҳақида ўйлаб қўришимиз керак...

Чиндан ҳам Россия давлат думаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар яқинлашгани сари айрим сиёсатдонлар популистик қарашларини кенгрок ёйишга, шу йўл билан ўзларини Россиянинг чинакам ватанпарварлари этиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Ишончим комилки, ушбу мақоладаги суратни кўриб, баъзи дўстларимиз ЛДПРнинг қартайган етакчиси Жириновскийнинг сиёсий алаҳсирашлари ХДПдан Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилган номзод – Максуда Ворисова фаолиятига қандай алоқаси бор, газета ходимларининг ўтган парламент сайловларидагидек яна судга, прокурорга қатнашлари келиб қолибди-да, дейишлари мумкин.

Тўғри, балки чиндан ҳам М.Ворисованин В.Жириновский билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Аммо яқинда миллий парламентимизда юз берган воқеа-ҳодисаларни чуқурроқ тахлил этсак, ХДП вакилларининг тил тўғрисидаги қонунга тиш-тирноқлари билан қарши чиққанлари сабабини англагандек бўламиз. Миллий тилимиз ривожига хизмат қилиши кўзда тутилган ана шу қонунга қарши овоз берган ақсарият депутатлар ХДП вакиллари эканини кўпчилик унутгани йўқ хали. Жириновский эса айнан ўша қонунларда Москвадан туриб собиқ иттифоқ давлатларида рус тилининг «буюк»лигини таъминлашни ўз партиясининг бош вазифаси эканини таъкидлаган эди. Ворисова ва Зюганов тендеми хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Аини пайтда Россияда ўтадиган сайловларга тайёргарлик қўраётган коммунистлар ҳам ашаддий қотил, халқро жиноятчи Владимир Ленин илгари сурган ғоя – хусусий мулкка қарши курашишни бош ғоя сифатида илгари сурмоқдалар. Ворисова хоним эса гарчи ўз дастурида хусусий мулк масаласида салбий фикр билдирмаган бўлсада, «мамлакатдаги иқтисодий ресурслар бир ҳовуч одамлар қўлида

тўпланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ресурсларда хар бир фуқаронинг ҳаққи, улуши бор. Дастурида бу йўналишда «Иқтисодий ресурслар – барча учун» деган қатъий позицияни илгари сураман» дея «тадбиркор-падбюркоринг» ҳам, 2003 йилдан бери хусусий мулк ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлайман деяётган О'zLiDe'Ринг ҳам мен учун бир чак» деган гапни очик-ойдин айтди.

Аини пайтда бутун дунёда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам янги иш ўринлари ташкил этиш энг долзарб масалага айланган. Маълумотларга кўра, бугун хусусий сектор хиссасига жами иш ўринларининг 75 фоиздан кўпроги тўғри келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг хар бир чиқишида Ворисова хоним алоҳида ургу берган «бир ҳовуч одамлар»га жуда катта эътибор қаратиб, давлат уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидламоқда.

Бошқа сиёсий партиялар томонидан ҳам мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шароитлар яратиш ҳақида бонг урилаётган бир пайтда, ХДПдан кўрсатилган номзоднинг «бир ҳовуч» одамларнинг мол-мулкида ўзгаларнинг ҳаққи борлиги ҳақидаги гаплари оддий популизм эмаслигини ҳамма ҳам тушунавермаслиги мумкин.

Аммо бундай муносабатни «мана уч кундан бери Ўзбекистонда бир шарпа кеза бошлади» деган ибораси билан изоҳласак тўғрироқ бўларди. Бу эса очик-ойдин СССРни қўмсаш, мустикаллик йилларида энг қийин масала дея эътироф этилган мулкдорлар қатламини шакллантириш масаласига қарши боришдан бошқа нарса эмас.

Умид АРСЛОНБЕКОВ

24
ОКТАБР 2021 ЙИЛ
ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ
Сўранг,
жавоб берамиз

- мuddатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлиш ҳамда ушбу жараёни кузатиш;
- сайлов кунини овоз бериш хоналарида, шу жумладан овозларни санаб чиқишда ҳозир бўлиш;
- сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш (қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно);
- сайловга тайёргарлик кўриш ва унинг ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш.

Аккредитациядан ўтган журналистга қуйидагилар ман этилади:

- конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартаришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг солиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи ахборотларни тарқатиш;
- сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равишда бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;
- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;
- сайловчилардан улар қимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;
- участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қўтилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралашиб;
- сайлов кунини ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш.

Қадимий ҳамда навқирон муаммо

«Овози тожик» газетаси муҳбири Мирасром Ахроров ҳам қадимий, ҳам навқирон мавзуга айланиб бораётган оилавий ажримларнинг бугунги кунда янги кўриниши пайдо бўлганини, мобиль телефон сабаб айрим оилаларда келишмовчилик чиқаётгани, баъзи қайнона-қайноталар келинидан қутулиш учун унга ёлғон СМС юбориб, тўхтама уюштираётгани, натижада эса ёш оилалар ажрим ёқасига келиб қолаётганини билдирди. Шунингдек, журналист ҳамда блогерлар томонидан берилган «Маҳалла раисларининг ваколатлари нималардан иборат?», «Оқсоқолнинг оёғи этиб бормаган жойдаги муаммоларни қим ҳал қилади?» каби саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди. Анжуманда вазирлиқнинг 206 та туман ва шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Нигора РАҲМОНОВА,
ЎЗА

ҚАДРИЯТ

Дўппиларга лойиқ бошлар изланди ва...

✓ Блогер минбари



Сайлов яқинлашгани сари матбуот ва ижтимоий тармоқларда партиялараро баҳс-мунозаралар ҳам ўз аксини топа бошлади. Аммо айрим партияларнинг ҳаддан ташқари «соддалик»лари журналистлару блогерлар эътиборидан четда қолмаяпти. Таниқли блогер Зафарбек Солижоновнинг қуйидаги «пост»и бунга яққол мисол бўлиши мумкин: «Адолат партиясининг Миллий тикланишга раддия деб чиқарган «махсулот»и (<https://adolat.uz/partiya/boshqaning-goyasini-bajrog-qilmang-zhanob-qodirov>)ни кўриб энсаларим қотиб кетди. Мазмуни қисқача: «бизнинг таклифларни сиз бериб қўйибсиз, биз

бермоқчи эдик» деганнамо аразлаш. Тергов кўмитасини ташкил этиш, жазони ижро этиш муассасалари Ички ишлар вазирлигидан Адлия вазирлигига ўтказилиши ва бошқа таклифлар аслида бор ғоялар. Бизгача бунга яратиб бўлишган. Шунчаки танлаб, жорий қилиш қолган, холос. Шунча вақт ўша таклифни бериш ва эълон қилишга вақтингиз ҳам бор эди. Нега энди ёнапсиз? Боғчада стулга ким биринчи ўтириш ўйинини ўйнамаган кўринасиз, чиройлироқ ва ёнбошим билан тўлдириброқ ўтирмоқчидим дегансиз. От ҳам жилловлаганники - жилловламоқчидим деганникимас. Қиз ҳам кимники, уни ҳам ўргатайми, а лаббай?»

@Zafarbak_Solijonov

Шаҳар одамлар учун бўлиши керак

«Тошшаҳартрансхизмат»нинг иддао қилишича, «пойтахтимиз кучаларида енгил автомобиллар ҳамда йўналишсиз таксилар сонининг кўпайиши тирбандликларни келиб чиқарди. Бу эса ўз навбатида автобус ва йўналишли таксилар оралиқ вақтининг ошишига олиб келди. Уқув мавсумининг биринчи кунинда йўналишсиз такси хизматларига бўлган катта талабдан айрим ҳайдовчилар кўпроқ фойда оламан деб сунъий равишда йўналишсиз такси хизматлари нархини кескин ошириб юборган ва аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган».

Р.С.: жамоат транспортини нафақат ривожлантирмасдан, балки йиллар давомида борини ҳам абгор қилиб, йўловчилар учун ноқулай тизимга айлантириб, майли, эски даврни айблаганинг мавриди тугагандан сўнг янги айбдор – таксистларни айблаганга ўтишибди. Бу безбетликнинг янги босқичи бўлса керак.


Албатта, Тошкент шаҳартрансхизмат ҳозирги ҳолатида ҳеч қачон пойтахт транспорт тизимини ўзгартирмайди, янгиламайди. Бу ўзимизни ўзимиз алоҳид билан боғлиқдек. Бу компания бугун билан яшайди. Бу гапни кеча ўқиш бошланган пайт бошқарувни эпловмай қолган метро учун ҳам айтса бўлади.

Жамоат транспортининг эгаси шаҳарликлар, шаҳар депутатлари ва шаҳар ҳокимлиги бўлиши керак. Тошкентга генплан керак, Тошкент жамоат транспортига стратегия керак. 50 та автобус сотиб олган билан бу тизим ислоҳ бўлиб қолмайди. Шаҳар жамоат транспортига хусусий сектор призмасида қарайдиган ҳоким ҳам бунга тушунмайди. Ҳафтада ҳеч қурса бир кун жамоат транспортини юрмайдиган ҳоким ҳам, вазир ҳам бунга тушунмайди. Тўлиқ тонировка қилинган, совутиқчи тўхтовсиз ишлайдиган машинада юрадиган, муздеккина кабинетидан, муздеккина машинасида қарайдиган ҳоким ҳам, вазир ҳам

ташқаридаги вазиятни бошқача кўради.

Шаҳар жамоат транспорт тизимини ривожлантирмас эканмиз, яқин келажакда ҳокимларнинг машиналари ҳам тирбандликда қолади (балки ушунда типирчилаб қолишар), аҳоли учун бунга майдонлар эса умуман тугайди, кварталлар, маҳаллаларда бугун аллақачон бунинг оқибатларини кўраймиз. Жамоат транспортини ривожлантириш учун эса велосипедни қайта кашф қилиш керак эмас. Юзлаб шаҳарлар аллақачон муваффақиятли амалиётга, тажрибага эга, холос. Бунинг учун озгина сиёсий ҳоҳиш, ақлли режалаштириш бўлса, бас.

Қуйидаги расм шаҳар одамлар учун қанчалик торайиб бораётганини яққол кўрсатади. <https://t.me/davletovuz>



Пойтахтимиз марказидаги «Сайлгоҳ» кўчасида «Миллий тикланиш» демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Дўппи челлендж» ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бир ой аввал эълон қилинган ушбу челлендж шартига кўра, иштирокчилар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг инстаграмдаги саҳифасига аъзо бўлиши ва дўппи кийган ҳолатдаги фото/видео суратларини ижтимоий тармоққа жойлаштиришлари лозим эди.

Қувонарлиси шундаки, қисқа вақт ичида партиянинг instagram саҳифасига #birmiz #qalbanbirmiz хештеги остида 5 мингдан ортиқ фото/видеолар жойланди. Шундан қарийб 270 киши эълон қилинган шартларни тўғри бажарди. Челленджда ҳатто 30 дан ортиқ хорижий давлатларда яшаётган ватандошларимиз, шунингдек, хорижийликлар ҳам иштирок этди.

Партияимизнинг «Дўппи челлендж»ини ўтказиш ташаббуси билан чиққани бежиз эмас, албатта: Зеро, халқимизнинг маданий ва маънавий бойликларини асраб-авайлаш, она тилимиз, динимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни сақлаш ва бойитиш, уларни чуқур эъозлайдиган ватанларвар ёшларни тарбиялаш энг устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Сир эмаски, бугунги глобаллашув даври одамлар онгида фақат бугунги кун билан яшаш, замондан ортда қолиш эскилик саркити деган тушунчасини пайдо қилиб, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг унутилишига, сабаб бўлаётгандек.

Хусусан, асрлар давомида ота-боболаримиз учун зарур, ор ва қадрият саналган миллий бош кийим – дўппини баъзилар «эскилик саркити» дея баҳолайдиган бўлди. Ёшларимиз эса ўзбекнинг кўрки, хусусини оширадиган дўппини бошлари тугул қўлларига ҳам олмай қўйдилар. Шоир Муҳаммад Юсуф айтганидек, «Дўппи киймай қўйди одамлар».

Шу маънода партияимизнинг мақсад ва муддаолари асосида ташкил этилган челленджда аслида дўппининг нима эканини, у ўзбекнинг тарихи ва бугунда қандай аҳамияга эга эканини тўғри тушунганлар иштирок этдилар. Аммо 270 нафар иштирокчи орасидан 3 нафар ғолибни аниқлаш осон бўлмади. Шунинг учун ҳам бунда «Random» дастуридан фойдаланилди. 3-ўрин учун ажратилган «кўпқчин» instagram фойдаланувчиси #surayyo1316га, 2-ўрин учун ажратилган «Smartfon» @otabekerkinovofficialга насиб этди. Ниҳоят 1-ўрин podirbekmurodov21га берилди. Ғолиб ноутбук билан тақдирланди.

Қатнашчиларнинг барчасига таниқли ошпаз Баҳриддин Чустий жамоасидан «дўппидек» ош икром этилди. Тадбир якунида эса эстрада юлдузлари иштирокида концерт дастури ҳам намойиш қилинди.

Бекзод ТўРАЕВ,
Марказий кенгаш бўлим бошлиғи

✓ Билармидингиз?

Таълим кредити кимларга берилади?

Мамлакатимизда навбатдаги янги ўқув йили ҳам бошланди. Айна пайтда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган айрим талабаларни «Таълим кредити кимларга берилади, мен ҳам ушбу имкониятдан фойдалансам бўлармикан, бир оиланинг 2-3 фарзанди шартнома асосида ўқиса, барчасига кредит берилармикан» каби саволлар уйлантиримоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августдаги «Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратиш тартиби чоратадбирлари тўғрисида»ги қароридан талабаларнинг таълим кредитини олиш тартиби, асослари ва шартлари белгиланган.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча олий таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат олий таълим ташкилотлари, мамлакатимиздаги хорижий ОТМлар ва уларнинг филиаллари)да ва кўшма таълим дастурлари бўйича бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш ва уларни қайтариш тартиби жорий этилган.

Таълим кредити тижорат банклари томонидан ҳам

амалга оширилади. Бу имконият Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабалар учун бўлиб, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки вазирлар таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш муддати тугаганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бунда, таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, асосий қарзни қайтариш эса кредит олувчи томонидан олий таълим ташкилотига таълимнинг ушбу тури бўйича ўқишнинг расмий белгиланган муддати тугалланганидан сўнг еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади.

Таълим кредити ажратишда бир қатор чек-

ловлар ҳам бор бўлиб, улар қуйидагилар: чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан, тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағларидан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан бериладиган таълим кредитларига нисбатан таълим кредити берилмайди. Бундан ташқари, олий таълим ташкилотига таҳсил олиш мақсадида табақалаштирилган тўлов-контрактни ва табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига тенг бўлган бир марталик босқич тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратишига йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, юртида илм олиш, билим эгаллаш учун барча шароитлар яратилган. Давлатимиз томонидан тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар учун қулай кўринишда таълим кредитларининг ажратилиши ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Файзулло ЯҲЎЕВ, ЎЗА



Парламентда депутат эмас, партияларнинг кучли бўлиши учун тизим яратамиз.

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Президентликка номзод Алишер Қодиров дастуридан

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
педагогика фанлари доктори, профессор



ҚАЧОНГАЧА АВЛОДЛАРГА

КАТОЛАРИМИЗНИ МЕРОС ҚОЛДИРАМИЗ?

Бойнинг бир хил иш учун икки хизматкорнинг бирига кўп, иккинчисига оз ҳақ тўлаши, бунга кўп ҳаракат қилса-да, оз ҳақ оладиган хизматкорнинг оёғи, кўп ҳақ оладиган хизматкорнинг эса ақли илдамлиги сабаб экани ҳақидаги машҳур ривоятни кўп эшитганмиз. Кейинги пайтлардаги айрим ишларимиз ҳам оёғи илдам хизматкорнинг тутумига ўхшаб қоляпти. Яъни, яхши ният билан қилинаётган бўлмайдиган йўсинда бажарилмаётгани. Бошланган ҳар қандай ишни охирига етказмаслик эса миллий хусусиятимизга айлиб бораётгандек...

Хусусан, «Давлат тили тўғрисида»ги қонун чала тайёрлангани учун ҳам ўттиз йилдан ошди, ишлаётгани йўқ. Неча йиллардан бери гоҳ кўтарилиб, гоҳ сусайиб муҳокама қилинаётган ўзбек алифбоси лойиҳаси ҳам кейинги авлодларга керагидан кўпроқ иш қолдирадиган йўсинда тайёрланибди. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралдаги «Лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган «йўл харитаси» ёзув борасида гоҳ узоқ чўзилиб кетган «икки ҳокимиятчилик»га барҳам беришга қаратилгани билан кўнгулларда умид учкунларини пайдо қилган эди. Такомиллаштирилган ўзбек алифбоси лойиҳасининг жамият аҳли муҳокамасига ҳавола қилиниши эса бу умид учкунларини алангага айлантирар, деб ўйлагандик. Тўғри, лойиҳада бир қатор маъқул жиҳатлар бор. Чунончи, унга кўра, ёзувда ортиқча ноқулайликлар туғдириб келган бирикмаларнинг бир ҳарфга келтирилгани, ўзбек тили табиатига ёт бўлган «ц» ҳарфи ва юмшатиш белгиси (ь) нинг чиқариб юборилгани жуда тўғри бўлган. Шунингдек, алифбо тартиби ҳам халқаро тажрибага мувофиқ берилгани ҳам диққатга лойиқ. Аммо миллий алифбони такомиллаштириш борасида амалга оширилиши шарт бўлган асосий юмушларнинг бажарилмай қолиб кетгани кишини таажжубга солади.

Масалан, лойиҳа муаллифлари алифбони ўзгартиришдан мақсад,

биринчидан, ёзувни ўзбек тилининг табиатига максимал даражада яқинлаштириш, иккинчидан, ёзувнинг умумийлигига таянган ҳолда туркий халқларни ўзаро бирлаштиришдан иборат бўлганини ҳисобга олмаганлар. Чунки муайян бир тилнинг ёзуви унинг асл табиатига қанчалик яқин бўлса, тил вакиллари-нинг ёзма саводхонлиги шунча юқори, нутқи равон, фикрлаш йўсини эса аниқ бўлади. Туркий халқларнинг умумий ўртоқ ёзувга эгалиги уларнинг тилмочсиз алоқасига имкон яратган, демакки, туркий дунёни бир-бирига яқинлаштирган бўларди. Алифбо лойиҳасида эса айна шу жиҳатларга эътибор қаратилмабди.

Бундан алифбо лойиҳа муаллифларининг ҳар ҳолда ўзбеклар ҳам туркий эканини билмасалар керак, деган фикрга бориш мумкин. Ва яна улар яхши билишлари керакки, барча туркий халқлар сингари ўзбек тилида ҳам камиде тўққизта унли бор. Лекин қачонлардир боболар йўл қўйган хатони қонунлаштириб ўзбек унлилари сони нега ҳамон олтиталигича қолдириляпти? Миллат номи бўлмиш «ўзбек» сўзидаги биринчи товушга алоҳида белги бериш мантиқий зарурият ва виждоний бурч эмас-ми? Шунингдек, «И», «У» товушларининг жуфтларига ҳам махсус ҳарф берилиши шарт-ку? Ахир халқимиз нутқида, биздан бошқа барча туркий халқлар алифбосида бу ҳарфлар бор-ку?! Ҳатто, қорақалпоқ тили алифбоси ҳам ўзбек алифбосига қараганда тил хусусиятларини тўлароқ ифодалайди. Жуда бўлмаса, ана шу



o	r	l	l	22	R r
7	G g	[r]		23	S s
8	G' g'	[r]		24	S' s'
9	H h			25	C' c'
10	I i				T t
11					U u
12					U' u'
13					V v
14					Y y



алифбодан ўрناق олайлик. Йўл қўйилган ҳар қандай хато қачондир тузатилиши керак. Уйчил миллат хатоларининг бир қисмини эмас, ҳаммасини тузатишни кўзда тутати. Қачонгача бир хато тузатилиб, иккинчиси кейинги авлодларга қолдирилаверади? Урпоқларнинг ҳам худди биздай қўйилиши шартми? Ҳамонки, миллий

алифбо такомиллаштирилаётган экан, бир замонлар йўл қўйилган хатolikларни тузатиш чораси кўрилиши керак эмасми?

Яна бир фикр: лойиҳада ўзбек тилининг табиатига мутлақо ёт бўлган «тутук» белгисини сақлаб қолиш билан нимага эришилади? Қачондир араб тилидан кириб келган сўзлардагина қўлланган, тилда йўқ товушга белги нима учун қўйилади? «Х» ва «Х'» ҳарфлари худди турклардаги сингари битта қилиб қўйилса, нима йўқотилади? Ахир ўзбек ушбу товушларни фарқламай ишлатяпти-ку?! «Х» товушининг айтилишига на жисмоний ва на артикуляцион асос бўлгани ҳолда одамларни қийнаб, ёзувда хатони кўпайтиришимиз кимга, нима учун керак? Мана, «ц» товуши чиқиб кетди. Айримлар ваҳима қилгандай, «смон» ўзилиб ерга тушмади-ку? Ваҳоланки, биздан бошқа бирор туркий миллат бу товушни олмаган.


Яъни, ҳарфлар танлашдаги ўзига хос ва ўзига мослигимиз камлик қилгандай, мавжуд ҳарфларга товуш тайин этишда ҳам бошқа туркий алифболардан узоқлашиладиган йўл тутилган. Чунончи, бутун турк дунёсида «О» ҳарфи бизнинг «ўтин» сўзимиздаги «ў» товушини билдиради. Ўзбек алифбосидагина бу ҳарфга ўзгача фонетик юк ортилган. «А» ҳарфи ифодалайдиган товуш борасида ҳам биз бошқа туркий халқлардан ажратиб қўйилганмиз. Нега? Зеро, бу бир вақтлар босқинчилар зуғуми билан атай қилинган эди. Бугун нега шундай ёндашув яна давом этирилиши керак? Алифбо лойиҳасининг муҳокамасида кўпсонли

тилшунос олимларнинг гўё томошабиндек, мум тишлаб ўтиришлари ҳам ажабланишли. Ваҳоланки, уларнинг ташаббусни қўлга олиб, миллий алифбони соғлом мантиққа мувофиқ ҳолга келтириш борасида жон койитишлари касбий бурчлари эмасми?

Ҳар қандай ислохот каби алифбони ислохот қилиш ҳам шунчаки ислохот учун эмас, балки қулайлик ва такомиллаштириш учун амалга оширилиши керак. Айримлар ҳатто жамиятда шунча муаммо турганда алифбони такомиллаштириш шартми, боридан фойдаланаверайлик ҳам дейишмоқда. Унутмаслик керакки, алифбо миллатнинг маънавий-интеллектуал қиёфаси. Қиёфа тўғри белгилан олинмаган жойда эса тараққиёт бўлмайди, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий муаммолар болабала кетаверади. Тан олайлик: барча муаммолар айнан ўзлигимизни таниш ва танитишга хизмат қиладиган миллий омилларга бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз туйғули содир бўлади. Агар ўзликни англавадиган жиҳатларга жиддий ёндашиб, эътиқод бутунлигига эришганимизда эди сув омборларимизга балиқнинг, томларимизга шамолнинг кучи етмаган бўларди. Маънавий жабҳасидаги тежамкорлик ҳаётнинг қолган барча соҳаларида ҳадсиз йўқотишларга олиб келиши тарих тажрибасида кўп қўрилган ҳақиқат. Баъзи одамлар тилни сиёсатга аралаштирмаслик керак, дейишлари ҳам мумкин. Аммо айнан тил сиёсатга айланмаган вазиятда сиёсат ҳам чинакам сиёсат даражасига чиқа олмайди.

Эътироф

Муҳаммад Сулаймон ал-Жассир: «Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида амалга оширилаётган ишларни кўриб жуда мамнун бўлдим»



Исломи тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йилги доирасида мамлакатимизда меҳмон бўлган Исломи тараққиёт банки президенти Муҳаммад Сулаймон ал-Жассир бошчилигидаги делегация кеча Самарқандга ташриф бурди.

Меҳмонлар Пайариқ туманидаги Имом Бухорий қадамжосини зиёрат қилди. Айна пайтда бу ерда амалга оширилаётган реконструкция жараёнлари, зиёрат туризми учун яратилаётган шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Исломи тараққиёт банки президенти Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган марказда буюк муҳаддис ва алломалар илмий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар, нодир қўлёзма асарлар сақланаётган кутубхона ва музей меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Исломи цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган Мовароуннаҳр алломалари илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш

истиқболлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди. — Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоасининг илм йўлида эришаётган муваффақиятларини Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг яққол самараси сифатида баҳолайман ва Марказнинг исломи дини ривожини йўлида

амалга ошираётган хизматларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман, — деди Муҳаммад ал-Жассир жаноблари. Шунингдек, юқори мартабали меҳмон марказнинг фахрий меҳмонлар китобида ҳам ўз дил сўзларини ёзиб қолдирди. Жумладан, Исломи тараққиёт банки президенти Муҳаммад Сулаймон ал-Жассир «Имом Бухорий

ҳаёти ва илмий фаолиятини кенг оммага етказиш йўлида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида амалга оширилаётган самарали ишларни кўриб жуда мамнун бўлдим. Марказнинг хайрли ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан» деб ўз дастхатини қолдирди.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎЗА

— Олий таълим вазирлиги тугатилиб, Президент хузурида Ректорлар кенгаши ташкил этилади. Олийгоҳлар ўз-ўзини бошқариши тизимига ўтказилиб, ОТМларнинг рақобатбардош бўлиш учун шикониятлар яратамиз.

«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Президентликка номзод Алишер Қодиров дастуридан

Россия педагогика университети филиали очилди

Мақтабача таълим вазирлиги ҳамда Россиянинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси ва элчихона вакиллари иштирок этган очилиш маросимида таълим тизимидаги ислохотларнинг бузувчи аҳамияти борасида гапирилди. Шаҳриза Жалолова, талаба: — Болаликдан ўқитувчилик касбига қизиқиш ўсдим. Юртимизда шундай замонавий чет эл олийгоҳи филиали очилганидан хурсанд бўлдим. Герцен номидаги университетга ўқишга кириб, нафақат ўз қизиқишларим, балки онамнинг қачонлардир ушалмай қолган орзуларини мақсадга айлантираётганимдан қувонапман. Мен олийгоҳнинг Лингвистика факультетини танладим. Келажакда сеvimли касбим орқали болажонларга чет тилини ўргатаман. Чинакам байрам тусини олган тадбирдан сўнг талаба ёшлар янги, сўнгги русумдаги жиҳозларга эга синф хоналарида Мустақиллик дарси сабоқларини тингадилар. Абдулазиз РУСТАМОВ, ЎЗА



ВТОПОРТРЕТ


Назар Эшонқул

Қасос туғлари қачон кўтарилди, алам калхатлари қачон устимизда уча бошлади, кин жосуслари қачон ичимизга кирди, адоват қиличи қачон қайрала бошлади? Биз қачон бир-биримизга тоқат қилолмайдиган хунхор душманларга айландик? Кудурат қачон кўнглимиз меҳробига ўтириб олди, нафрат ҳиди бизни қачон маст қила бошлади? Эҳтимол, тириклик ҳақида ҳар биримиз ўз матлабимиз сари оғишмай кетишни танлаган пайтлардандир? Ёки ҳаётнинг чалкаш, боши берк кўчаларига кириб қолиб, ундан чиқиш йўлини излаб, ҳеч қачон бир тўхтамага келмай, бир-биримизга терслик пайдо бўлган лаҳзалардандир? Ёхуд фақат жавобсиз саволлар ўрмонида адашиб қолганимиздандир? Ёки умид мурдалари тўла кўчаларни кезган, умр карвонимиз кетаётган саҳро ҳеч қачон тугамаслигини англаган, босган қадамимизни пойлаб турган қисмат қопқонларига дуч келгандандир?

Нима бўлганда ҳам, ҳозир тафсилотлари эсимда йўқ — эсимда қолгани шуки, иккаламиз энди қанчалик муроса қилишга уринмайлик, барибир энди аввалгидай бир тану бир жон бўлолмаслигимиз, бундан буён ҳеч қачон туташмайдиган икки қирғоқ каби бир-биримиздан мосуво ва айро яшашга маҳкумимизни, алапоқибат, тушуниб етгандик. Ҳар қалай, унинг менга нисбатан шафқатсиз, муросасиз бўлиб қолганию қоболарида ҳаммиса мени муҳорабага чорлайдиган қаҳр ва истеҳзо кўнгирикларни жаранглаб турганига қараб, шундай ўйлайман. Буларни англаб етган кунимдан бошлаб, қандай бўлса ҳам, ундан қутулишни ўйлаб бошлаганим рост, бунини яширмайман, аммо бунини аввал у истидаими ё мен, бунини билмайман, билганим, менда унга нисбатан ғайрилик уйғонган кундан эътиборан зимдан ўзимча турли режалар тузишга киришдим. Нафсиламборини айтганда, унинг зугумлари ва менга раво кўраётган ситамларга бошқа чидаб бўлмасди. У бор экан, мен йўқ эдим, у бор экан, мен забун эдим, у бор экан, мен хўрланаварар, шаъним топталаварар, унга тоқат қилган сайин баттар несту забун толаварар эдим. У соғлом экан, мен мажруҳ эдим. У кулол бўлса, мен лой эдим. Мен унинг хоҳиш-иродасини акс эттирган парчаланишга, бўлаканишга, титилишга, синиб, йўқ бўлишга мустаҳиқ тупроқдан, қумдан, кесақдан бошқа нарса эмасдим — у олов бўлса, мен кул, у осмон бўлса, мен ер, у тикланувчи бўлса, мен куловчи эдим, у бор экан, менинг елкамга офтоб тегмаслиги аён бўлганди. Унинг исми ёнимда тураркан, мен шунчаки шаклу шамойили, исми ва жисми йўқ бўлиш, шамолларда олиб учадиган хазону хас эдим. У бор экан, мен ҳеч қачон рўшнолик кўролмаслигим кафтдай аён бўлганди. Мен учун чиққан қуёш унинг боғига нур сочар, фақат унинг инон-ихтиёри билан ашашга маҳкумимизнинг нафсониятиمنى ўлдирар, андуҳ шерларига ем қилар эди. Унинг босимини ҳар лаҳза, ҳар сония ҳис қилиб

турардим: унинг қуюни мени кечмишим даштида чангу ғубор қилиб учираб юрарди. Уни деб нималардан воз кечмадим, не кунларни бошимдан ўтказмадим, не хўрликларга ва ҳақоратларга, шаънсизлик ва шарафсизликларга чидамадим, нималарни қурбон қилмадим? Лекин у худди қадим битиклардаги ёвуз маъбуд каби мендан бетиним жудолик талаб қилди, ўзимни йўқ қилиб, ўрнимда ўзини пайдо қилишни, тоғларимда қоя, денгизимда маёқ, жангларида яловбардор бўлишни, кўнгил ва идрок худудларим, сарҳадларим унинг назоратига ўтишини истида. Баъзида у мени беадаб қийноқларга дучор қилардики, кўз олдимдаги дунё дўзахга айланарди. Тақдир чархпалагимни фақат у айлантларди. Қўлида менинг қўл-оёқларим боғланган ипларни ушлаб турар, бу иплар орқали у мени хоҳлаган қўйга солар, нимага тавозе қилишни, нимага муҳаббат, нимага меҳр кўрсатиш, кимдан нафратланишимни, кимдан воз кечшим, кимни топишимни, кимга суянишу кимдан воз кечишни, нимага кўнгил қўйиш, нимадан ўзимни қутқаришимгача у белгиларди. У қанчалар зугум қилса, менда унга нисбатан шунча исён шаклланиб борди, ёмғирдан сунг пайдо бўлган қўзқоринлардек ичимда нимадир унга қарши бош кўтара бошлади. Мени йўққа чиқаргани сайин менинг борлиққа интилишим кучайди. Ниҳоят, тоқатим тоқ бўлиб, вужудимни бир савол қамраб олди: қачонгача бу хўрлик давом этади? Қачонгача унинг кўнгириги, қачонгача овчи ити бўламан? Наҳотки, унинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш, унинг инон-ихтиёри маҳкуми ва асири бўлиб яшаб ўтиш учун бу дунёга келган бўлсам?

Энди мен учун ҳаммаси аён бўлганди: биз ҳеч қачон бир хил қарорга, бир ҳукмга келолмаймиз. Ё у мени, ё мен уни маҳв этишимиз шарт эди.

Бошқа у билан бир дақиқани ҳам бирга ўтказишга қодир эмасдим. У сабр косамни тўлдирди бўлди. Ундан қутулиш керак, деган фикр бутун шуури қадахини лиммо лим тўлдирди, кўнглим

кунжакларида интиқом оловлари ёна бошлади. Ҳа, бирдан-бир йўли — ундан халос бўлиш эди. Ниҳоят, узоқ иккиланишлардан сўнг мен ундан бутунлай қутулишга, ўзимни ўзим озод қилишга аҳд қилдим. Бундай уқубатда, бундай хўрликда, бундай таҳқирда юргандан кўра унинг қотили сифатида забту зиндон бўлганим афзал, деган деган ўй мени қиличдай қайрай бошлади.

Ниятим жиддий эди. Аҳд қилиб бўлгандим. Энди мени бу йўлдан ҳеч нарса қайтаролмасди. Гафлатда қолдириш учун уни узоқ пойлаб юрдим, унинг энг заиф жойларини изладим, топдим ҳам. Ниҳоят, бир кун тин олган, менинг таҳқиримни кутмаган пайти ниятимни амалга оширишга киришдим. У қаршида қандай бўлганимни илғамай ҳам қолди. Кутилмаганда нақ гирибонидан олдим. Кекирдагини омбурдай қисиб турган кўлларимни кўрди-ю, ҳаммасини тушунди: бу чангаллар энди ўлжасини жони узилмагунча ҳеч қачон қўйиб юбормаслигини ҳис қилганини кўзлари айтиб турарди. Мени ажаблантиргани шуки, у, алапоқибат, худди шундай бўлишни, бизнинг муносабатларимизни бир кун қилиб, худди шундай яқун топишини билгандай жон-жаҳди билан қаршилиқ қилмади: муқаррарлиқни қабул қилди. Бунини тигдай бўлиб, вужудимни нимталаб ташлайдиган, ичимни ҳам қўриб туришга қодир кўзлари айтиб турарди. Ҳаво етишмаслигидан хиралашаётган уфқ каби бу кўзларда айни пайтларда нималар йўқ эди?

Шунча йиллар мени таъқиб остига олган, ўнлаб тазарруларимни қабул қилган, мендан ўзига содиқ ғулум чиқаришга уриниб, охир-оқибат, ўзининг қотилига айланганидан пучмонлик, афсус, надомат акс этиб турарди. Ҳукми ҳозир содир бўлганди. Унинг бундай ожизлиги менга шунчалар заъб бағишладикки, кўп йиллардан бери танамда бундай лаззатни ҳис қилмагандим. Бир пайтлар менга соҳиб мутлақ бўлишни истаган нигоҳлар кўз олдимда қулга айланаётган чуғ каби

сўниб борар, у қурган ҳайкаллар қулар, қоялар ўпириллар, деворлар йиқиллар, кўрғонлар вайрон бўлар ва ўлжасини тутиб турган бургут чангалидек бўйин томирларига ботиб кетган панжаларим орасида беҳуда юлқиниб, хириллар эди. Нафрат ва адоват куч берган тирноқларим билан унинг вужудидаги ҳаёт нишонини бутунлай сўриб олишга уринардим. Оламга ва тирикликка мазах бўлиб яшашга мубтало қилган қаҳорнинг ҳалокатини кўриш қанчалар завқли эди! Қанчалар кучли бўлмасин, барибир дош беролмади: кўзлари олайди, улкан тоғ кулагандек йиқилди. Энди у менинг оёқларим остида хириллаб ётар, лекин ҳамон нафас олар эди. Уни ётган жойида ер билан битта қилиб бўғишга тушдим. Агар ҳозир гумдон қилмасам, у яна нафас олишни бошлайди, ўзини тиклаб олади, кейин оёққа туриб, мени бутунлай маҳв қилади. Агар у қайта кучга кирса, менинг бу дунёда чангу ғуборим ҳам қолмайди. Шундай экан, унга бу имконни бермаслик керак. Ҳозир вазият ва зафар мен тарафда экан, бундан фойдаланиб қолиш, бир умр мени забтига олган, ҳар саволимда ўзининг ойболтасини кўтарган қасосимни охирига етказишим керак. Жазавага тушганча, дуч келган ерига алам билан тепиб, танасини оёқларим остида топтаб ўзгача роҳат-фароғат билан эзгилай бошладим. Ҳар тепкида менга берган азоб-уқубатлари ёдимга тушар, шунинг учун кейинги зарбам аввалгисидан ҳам кучлироқ, аниқроқ, зарблироқ бўлар эди. Ниҳоят, куми тўкилган қондай чарчаб, шалпайиб қолдим.

Оёқларим остида унинг совиган ва моматалоғи чиққан жасади ётарди. Ҳар эҳтимолга қарши озига юзимни тутиб кўрдим. Йўқ, у абадий уйкуга кетганди. Мана, ниҳоят, ундан қутулгандим. Унинг бошини кечалари билан ундан яшириб чиқганим кундасига қўйдим. Шу билан энгил тортидим. Унинг боши қатл кундасида жонсиз ётарди. «Эй, юлдузлар, мен уни охири ўлдирдим, эй, хилол, мен ундан қутулдим, эй, тун, мен голлиман, эй, дунё, сен энди унинг эмас, менинг измимдасан! Эй, ҳаёт, энди сен ёлғиз мениксан!».

Аммо кутганим рўй бермади. Ўзимни қанчалар музаффар сезмай, ич-ичимда зафарни ҳис қилмадим. Аксинча, ўзимни бўшаб, хувиллаб қолган кўрғондай ҳис қилдим: гўё ичимдаги ҳамма нарса у билан тўкилиб, сочилиб, парчаланиб кетгандай эди — мен шунчаки вайрона ўрнида пайдо бўлган бир уюм тупроққа айлангандай эдим. Қувончданми ёки бир умр кўркувда, ҳадиқдан қутулганимданми, билмадим, бўғзимдан бир ўкирик отилиб чиқди. Аммо кўзларимга ёш келмади.

Олдимда унинг совиган жасади ётарди, мен эса ўзимнинг озодлигимни бўғзим тўла ўкирик, лабимда эса захарханда қулги

билан нишонлардим. Бирдан хушёр тортидим: биров кўриб қолмасдан жасадини бир ёқли қилишим керак эди. Жасадини судраганча қабристон томон жўнадим. Ниҳоят, етиб бордим. Минглаб қабрлар бор эди бу ерда. Уфқдан шафаққа қадар бепоеён замин қабрлар билан тўла эди. Қабрни қазिशга ҳожат йўқ эди. Бу ердаги гўрларнинг ярми ўз майитларини кутиб, очиқ турарди. Мен қазиб қўйилган лаҳадлардан бирига олиб келган жасадини жойлаштирдим. Кўмиб бўлгач, қабр устига ўтириб олдим. Шунда кўнглим тўлиб кетди, кўзларимдан ёш жولا бўлиб қуйилди. Гўё бутун замин мен билан қўшилиб йиғлаётгандай, кимларгадир ва ё нималаргадир аза тутаётгандай эди.

Бир маҳал ортимдан қадам то-

Ниятим жиддий эди. Аҳд қилиб бўлгандим. Энди мени бу йўлдан ҳеч нарса қайтаролмасди. Гафлатда қолдириш учун уни узоқ пойлаб юрдим, унинг энг заиф жойларини изладим, топдим ҳам.

вушлари эшитилди. Аммо, лекин мен ўзимни йиғидан тўхтатиб, унга қарашга куч топмадим. Қадам товушлари яқинлашди, бесўнақай, лой ва тупроққа ботган бошмоқ рўпарамга келиб тўхтади. Кейин улкан, худди эртақлардаги девкомат, қаримсиқ, кўримсиз, танасидан тупроқ ва мазор ҳиди аниқ турган гавда ёнимга зилдай чўкди. Кўзим учидан қарадим. Бу гўрков эди. Уни кўриб, кўнглим яна тўлиб кетди. Унга қараганча, худди мадад ва тасалли кутгандек, йиғлай бошладим. Гўрков елкамга оталарча қоқиб қўйди, кейин ҳамдардона сўради:

— Нега бунчалик андуҳ?
 Унинг саволига жавоб бермай дўмпайиб турган қабрга қарадим. У ҳаммасини тушунгандек ўта хотиржам гапирди.
 — Кўникиб кетасан. Салдан кейин эсламайсан ҳам.
 Нимадандир айрилганга, нимадандир мосуво бўлган ўшардим, бум-бўш ичим қувурга ўхшаб хувилларди — далани кезиб юрган шамол ичимга кириб, ичимни сурнай каби чаларди, у ердан мотам куйи келарди.
 — Бу лаҳадда кимим ётганини биласизми? — деб сўрадим алам ва зарда билан. — Кимнинг жасади устида йиғлаб ўтирганимни биласизми?

Гўрков қўли билан қабр тўла бепоеён заминни курсатди.
 — Биламан. Мана бу қабрларда ҳам сеникига ўхшаб жасадлар ётибди. Сен биринчи ҳам, охириги ҳам эмассан. Қолган лаҳадлар эса ўз эгаларини кутиб турибди.
 Унинг овози фалақдан ёғилган тошлар каби гувиллаб устимга ёғилди, мени гўё қабр билан битта қилди.

Мен қабр устида сочилиб ётган ўзимни бирма-бир териб олдим-да, мазористон оралаб кетаётган гўрковнинг изидан йўлга тушдим.

✓ Тақдимот

«Йўлбарс» жамоатчилиққа тақдим этилди

Адиблар хиббонида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Йўлбарс» изидан. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳужжатли фильмининг премьераси ўтказилди.



Примьера олдидан Кинематография агентлиги, Жамоат хавфсизлиги университети ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида «Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти» ватанпарварлик намунаси мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалар, саҳна кўринишлари, ғазаллар ва шеърлар парчалар ўқилди. Институт курсантлари томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Шундан сўнг Кинематография агентлиги ва Жамоат хавфсизлиги университети бюртимасига биноан «Sintez film» студияси томонидан суратга олинган «Йўлбарс» изидан. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Фильм бир йил мобайнида суратга олинган бўлиб, ижодий жамоа Заҳириддин Муҳаммад

Бобур ҳаёти ва ижодини яқини ўрганишга ҳаракат қилган. Сценарий иши, режиссёрлик маҳоратини киношунослар юқори баҳоламоқда.

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур жасоратли шахс, — дейди тарих фанлари номзоди, доцент Жумабой Раҳимов. — Унинг тенгсиз жасорати, илми ва маърифати ўрناق олса арзигулик даражада. У тенги салоҳият эгалари дунёда бармоқ билан санарли. Бобур ҳақида фильмлар, сериаллар яратилишини хоҳлардим. Бу ҳужжатли фильм ана шу савобли ишларга дебоча бўлиб хизмат қилсин. Бугун ана шу замонлар келди. Тарихий сиймоларимизни борича гавдалантиришимиз, келажак авлодга ўз ҳолича етказишимиз керак.

Картинада машҳур юлдузларни жалб қилинмасдан, янги ва истеъодли ижодкорлар билан яқини ишлашга ҳаракат қилинган.

— Ҳужжатли фильмда бо-

бомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёшлигини ижро этдим, — дейди актёр Далер Темуров. — Бу менга катта масъулият юклагани баробарида тарихий сиймоларни ижро этиш кўникмасини пайдо қилди. Бобур ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Картина ёшларга фахр ва ифтихор бағишлайди, Бобур шахсиятини яқиндан танишга ёрдам беради.

Мазкур кинокартина «Халқ юраги» номи остида суратга олинган туркум фильмлардан бири. Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Бобур Шер ўғли, постановкачи оператор Диёр Исмаилов, постановкачи расм Санъат Кенжаев, продюсер Хуршид Алихўжаев. Картинада Илҳом Бердиев, Илмира Раҳимжонова, Баҳрилло Раҳимов, Алишер Йўлдошев, Мансур Абдухолиқов, Райхон Асадова, Умид Зокиров, Далер Темуров, Зариф Ҳасановлар роль ижро этган.

Д. МАМАТОВА, ЎЗА



Тарбиянинг ажралмас қисми сифатида Миллий киноиндустрияни тубдан ислоқ қиламиз.


«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Президентликка номзод Алишер Қодиров дастуридан



Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланиб берган хабарига кўра, дунёда коронавирус инфекциясини юқтирганлар сони 220 миллион 563 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Шундан 4 миллион 565 мингдан зиёд киши вафот этган (06.09.2021 аил Европа вақти билан соат 17:02 ҳолатига кўра).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК» ТАНЛОВИГА



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ - МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, айти пайтда Марказий Осий аҳолиси 72,5 миллион кишини ташкил этмоқда. Бунда Ўзбекистон улуши 45 фоиз атрофида. Қозоғистон-25, Тожикистон-13, Қирғизистон ва Туркменистоннинг ҳар бири 8,5 фоиздан иборат.

Маълумки, сўнгги уч йилда Ўзбекистоннинг минтақавий сайъ-ҳаракатлари туфайли Марказий Осий давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқалари бутунлай янги босқичга кўтарилди. Шунинг учун ҳам юртимизда кечаётган туб ислохотлар, жамиятимиз ҳаётидаги демократик ўзгаришлар нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатлар аҳолисида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, минтақавий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Экспертларнинг фикрича, Марказий Осий давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 56 фоизга ўсган. Гарчи пандемия туфайли ўтган йили ушбу кўрсаткичлар бироз пасайган бўлса-да, жорий йилда яна ўсиш кузатилиши қайд этиляпти. Япониянинг «The Nikkei» нашри ҳам Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан алоқалари мустақамланиши Марказий Осий кўринишини ўзгартириши ва минтақанинг халқаро майдондаги таъсирини ошириши мумкинлиги ҳақида ёзибди. Ҳисоб-китобларга кўра, Марказий Осий давлатларининг иқтисодийнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорлиги эса яқин 10 йилда минтақа ялпи ички маҳсулотини камида икки баробарга ошириш имконини беради.

Маълумки, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳам қардошлик ришталарини мустақамлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Фестиваллар, маданият ва кино кунлари ҳамда Марказий Осий маданий меросига бағишланган китобларни биргалликда нашр этишга бўлган талаб ҳам бугунги кунда тобора ортиб бормоқда. Минтақа бўйлаб амалга оширилаётган туризм эса халқларимизнинг яқинлашишига кўмаклашадиган яна бир омил саналаяпти.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг декабрь ойидаги Мурожаатномасида ҳам ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши яқин қўшнилар билан конструктив мулоқот олиб бориш экани алоҳида таъкидланганини айтиш жоиз. Бундан ташқари, Ўзбекистон ривожланишининг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши ҳам очик, конструктив ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратишни кўзда тутди.

Қайд этиш жоизки, кейинги 3 йилда олиб борилган мулоқотлар натижасида Марказий Осийда мутлақо янги ишонч муҳити, дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатлар тизими шакллантирилди, дейиш мумкин.

Ана шундай сайъ-ҳаракатлар натижаси сифатида эса 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Марказий Осий минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишнинг таъминлаш мақсадида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш» резолюциясини қабул қилди. Шу ўринда ушбу ҳужжат Европада, Америка, Осий ва Африканинг 55 мамлақати ҳаммуаллифлик қилганини ва резолюция БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланганини айтиш жоиз.

Ўзбекистон ва Марказий Осий давлатлари ўртасидаги юзага келган минтақалараро ҳамкорлик эса ўзаро йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластер, савдо зоналарини ташкил этиш, юқори технологияли фаолият турларини (машинасозлик, фармацевтика, асбобсозлик, ахборотлаштириш ва алоқа) ривожлантириш ва амалга ошириш имконини берапти, албатта.

Мадинабону РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон – Корея
халқаро университети
талабаси

✓ Кутинг!

Булбулларни уялтирган овоз соҳиби ҳақида таниқли олима Ирода Дадажоновна томонидан биринчи марта эълон қилинаётган маълумотлар ҳар қандай инсонни ҳайратга солади. Чунки...



Келгуси сонларда



АК ПАРТИЯСИ БЛОКЛАНДИ

Твиттер Туркиянинг адолат ва тараққиёт партиясини (АК) қўллаб-қувватлаётган 200 га яқин akkaунтни блоклади. Маълумки, бундан аввал ҳам Твиттер АК партия тарафдорларига тегишли akkaунтлар фаолиятини тўхтатиб қўйган эди.

Твиттернинг бу қарорига нисбатан кўплай шикоят ва эътирозлар билдирилмоқда. Шунга қарамастан компания ҳалигача бу ҳақда баёнот бергани йўқ.

«ГАПИРИШГА ҲАҚҚИ ЙЎҚ»

Берлинда жойлашган Европа Конституциявий ва Инсон ҳуқуқлари маркази ўз баёнотида Германия Федерал прокуратурасига Хитойда тўқимачилик ва чакана савдо билан фаолият юритаётган немис компаниялари уйғурларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланаётгани учун уларга нисбатан жиноят иши кўзғатилиши кераклигини таъкидлади.

Шунингдек, марказ Германия прокурорларидан машҳур супермаркетлар тармоғи Лидл ва Лукс ва Хуго Босс номли кийим-кечак маркази Хитойнинг Шинжон Уйғур мухтор вилоятидаги уйғур миллатига мансуб аҳолини мажбурий меҳнатга жалб қилган ҳолда фойда олгани учун уларни жиноий жавобгарликка тортиш кераклигини талаб қилмоқда. Европа Конституциявий ва Инсон ҳуқуқлари марказининг меҳнат ва инсон ҳуқуқлари дастури раҳбари Мириам Сагемас бу компаниялар уйғур халқини эксплуатация қилиш орқали моддий фойда кўраётган бир пайтда Европа давлатлари Хитойдаги инсон ҳуқуқларини бузилиши билан боғлиқ вазиятларга баҳо беришга, ҳатто бу ҳақида гапиришга ҳаққи йўқ эканлигини айтди.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, марказ апрель ойида Франция, Испания, Япония ва июлда АҚШнинг бир нечта компаниялари ҳам Хитойдаги «қайта тарбиялаш» лагерларида сақланаётган уйғурларни ишлашга мажбурлангани ва бу жиноятларини яширгани сабабли тергов бошланганини хабар қилган эди.

ХУДДИ КИНОЛАРДАГИДЕК



Исроилдаги Гилбоа қамоқхонасида қаттиқ назорат остида сақланаётган олти нафар фаластинлик маҳбус қочиб кетди. Walla News интернет сайтыда ёзилишича, маҳбуслар Исроил суди томонидан умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинган.

Маҳаллий хабарларга кўра, маҳбуслар қамоқхонадан қочиш учун ўзларига туннель қазиб йўл очишган. Айтилишича, олти нафар маҳбус қочқоқларни қидирув операциясини бошлаб, унга бир нечта ҳарбий вертолёт ва техникаларни жалб қилган. Айтилишича, олти нафар маҳбус қамоқхонада бир хонада қолиб, 10 метрли туннель қазилган.



ЧИҚИНДИ СУВЛАРИ ОКЕАНГА ТЎКИЛАДИ

Япониядаги Фукусима атом электр станциясида 2011 йили юз берган авариядан кейин радиактивдан тозаланган чиқинди сувларини қаерга тўкилиши ҳақида ҳалигача бир қарорга келингани йўқ эди. Кёдо ахборот агентлиги хабарига кўра, Япония бош вазири Ёсихидэ Суга Фукусима атом электр станциясидаги чиқинди сувларини чиқариш учун Тинч океанг остида 1 километр узунликда туннель қурилиши ҳақида баёнот берди. Лойиҳа 2023 йилнинг баҳоридан бошланиши режалаштириляпти. Туннель Дай-ити электр станциясидаги 5-сонли реактор ёнидаги денгиз тубида қурилиб, шарқ томондаги балиқчилик бўлмаган жойга тўкилади. Расмий Токионинг ушбу қарорига Хитой, Жанубий Корея ва Тайвань қаршилик кўрсатган бўлса, АҚШ қўлламоқда.



ЙИГИТ ВА ҚИЗ ЎРТАСИДА ПАРДА ТОРТИЛДИ

Афғонистонда ҳукумат Толибонлар қўлига ўтгач, дунё ҳамжамияти мамлакат хотин-қизларининг таълим олиши ҳақида чуқур қайғурмоқда эди. Аммо Толибон ҳаракати вакиллари Афғонистонда аёлларни таълим олишига қарши эмасликларини билдирди. Толибоннинг социал медиа akkaунтларига Қобулдаги Ибн Сино номли университетнинг бир аудиториясида йигит ва қиз талабалар ўртасида парда тортилган ҳолда таълим олаётганини акс эттирувчи фотосурат жойлаштирилди.



«БИР ОИЛАГА БИР ФАРЗАНД» СИЁСАТИ ТУГАТИЛДИ

Хитой Халқ Республикасида «Аҳоли ва оилани режалаштириш тўғрисида»ги қонунига ўзгартириш киритилмоқда. Жорий йилнинг май ойида Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси учинчи фарзанд кўришни истайтган жуфтликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қарор қабул қилган эди.

Хабарларга кўра, қонун ХХР раиси Си Цзиньпин томонидан тасдиқлангач, кучга киради. Унга кўра, Хитойда учинчи фарзандга рухсат берилади. Си Цзиньпиннинг сўзларига кўра, бу қарор Хитой аҳолисининг қаршини олдини олиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли улушини ошириш имконини беради.

Маълумот ўрнида, 1980 йилда Пекин маъмурияти томонидан аҳоли сонининг ўсишини назорат қилиш учун «бир оилага бир фарзанд» сиёсати бошланган эди. Натижада мамлакат аҳолиси сезиларли даражада камайди. Бироқ, бу вақт ўтиши билан аҳоли қарши муаммосини келтириб қўқарди. Шу боис, 2013 йили Хитой ҳукумати иккинчи фарзанд кўришга рухсат берди.

Саҳифани интернет материаллари асосида
Соҳиба СОЛИЕВА тайёрлади.



ИККИ ҚАРРА МАТОНАТ СОҲИБЛАРИ!

Ниҳоят, Токиода бўлиб ўтган Паралимпия мусобақалари ҳам якунланиб, спортчиларимиз еруғ юз билан ватанга қайтдилар.

Мусобақага 48 нафар спортчи билан қатнашган жамоамиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 19 та медалга сазовор бўлди. 162 та иштирокчи мамлакат орасида 16-ўрин эгалланди. Бу юқори кўрсаткич, албатта. Мен бу спортчиларни икки қарра матонат соҳиблари дея атаган

бўлардим. Шунчаки эрталаб туриб бироз бадантарбиядан эринадиган тўрт мучаси соғ инсонлар бор, улар ширин уйқуни афзал биладилар. Паралимпиячи спортчилар эса ҳаётнинг уларга берган оғир зарбалари билан бир қаторда, ўзларидек бошқа бир метин матонатли инсонни ҳам енгиб

чемпион бўладилар, шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳақиқий қаҳрамонлар деганда кўз олдимга айнан шундай инсонлар келади. Барчангизни чин юракдан табриклайман, икки қарра матонат соҳиблари!

@alisher_qodirov



ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим, Тилмни найга эсўр этдинг. Кўзимга ойни беркитдинг, Юрак, сенсан ишқибозим.

Сенга тор келди бу кўкрак, Севинчинг тошиди қирғоқдан, Тиллим чарчар, ажсаб, гоҳи Сени таржима қилмоқдан.

Сен, эй сен — ўйноқи дилбар, Зафардан изла ёрингни. Тўлиб қайна, тошиб ўйна, Тирикман, куйла борингни!

Итоат эт! Агар сендан Ватан рози эмас бўлса, Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

ЯНА ШЕЪРИМГА

(Сонет)

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан, Боққа кирсанг, гуллар шарманда. Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан, Жоним каби яшайсан манда.

Юрагимнинг дарди — нақшисан, Қилолмайман сени ҳеч қанда! Ўт бўлурми ишқи йўқ танда? Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да, Геёне билан ўртоқ тутиндим. Лермонтовдан кўмак ўтиндим. Бутун умрим сенинг бўйинида.

Саҳарда қон тутурсам, майли. Мен — Мажнунман, шеърим, сен — Лайли!

БОГИМ

О, у қандай фусункор! Нур билан тўлган бутун. Гуллари чаман-чаман, Мен уларни ичман. Кўнглимда яшнар баҳор... Нур билан тўлган бутун.

Бардек узилиб кетсам, Унутмас мени боғим: Ишимни ҳурмат қилур, Гуллардан ҳайкал қурур. Минг йиллардан кейин ҳам Унутмас мени боғим!

Шеърларим янграб қолур — Бир умрга ўлмайман! Ҳаётимнинг давоми — Келажакимга ҳомий, Ўрнимга бовбон бўлур — Бир умрга ўлмайман!

О, у қандай давомдор! Нур билан тўлган бутун. Гуллари чаман-чаман, Мен уларни ичман. Кўнглимда яшнар баҳор... Нур билан тўлган бутун.

ЮРГАНМИСИЗ БИРГА ОЙ БИЛАН

Юрганмисиз бирга ой билан Оқшом пайти кўм-кўк ўрмонда? Майсаларга шабнам кўнганда, Шундай яхши тинч бўлар экан.

Шитир-шитир ўйнар шаббода, Барелар мусиқаси бир ишрин... Ҳаво гўё тиниқ, соф бода — Кўнгили сезар ҳаётнинг сирин.

Мен маст бўлиб қолдим бу кеча, Сил ўткамни анча яйратдим. Ухламасдан то тонг отгунча Дилгинамни роса сайратдим.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

Kun	Harorat	Tavsif	Yog'in-garchilik
Chorshanba 8 sentabr	+35° +16°	ochiq havo	0%
Payshanba 9 sentabr	+30° +14°	ochiq havo	0%
Juma 10 sentabr	+26° +14°	ochiq havo	3%
Shanba 11 sentabr	+28° +13°	joylarda bulutli	1%
Yakshanba 12 sentabr	+28° +13°	ochiq havo	0%
Dushanba 13 sentabr	+28° +13°	ochiq havo	0%
Seshanba 14 sentabr	+31° +15°	ochiq havo	0%

Чимдим кулги

— Ошнанг нега балик овига бормай қўйди?
— У бир кунни балик овига бориб, чўкаётган кизни кутқариб, ўша кизга уйланди..
— Хўш..
— Шу-шу, сувни кўрса ваҳимага тушадиган бўлиб қолган.

Афоризм

Тупроқдан яралдук, тупроққа қайтамиз, муҳими лойга ботмаслик. Мавлоно Румий

Халқ табобати

Агар сувни ўтириб ичсангиз, бу сув танангиздаги барча чўкинди ва саркитларни хайдаб чиқаради. Бу чиқиндилар орасида бўйракда тош йиғилишига сабаб бўладиганлари ҳам бор. *** Агар сувни уч марта бўлиб-бўлиб ичсангиз ва ҳар бўлиб ичишда нафас олсангиз, тана хаводан кислород олади, бу эса жисмга инсулин беради. Инсулин — танани қандли диабетдан химоя қилувчи молдадир.

Ҳордик

Аввал бошлангич дилор

Ральф (автопойгачи)

Мева хрийла

Шойин газлава

Исонган

... замон нишонлари (асар)

Палов масаллиги

Попов испироски

Кайф...

Кадимги юксак олоом

Абадул... (мангу)

Кинона сандиқча

Уят, шарм

... шунақа гаплар

Кўзил сайёра

"Бир йилгита... хунар ҳам ос"

Крутой (бастакор)

Уят, шарм

... Шиндо (киноактриса)

Ар... (кинорежиссор)

Адам раффисси

Радио... (радиоқонал)

Голландия футбол клуби

Кофияли проза

Хўшбўя пардоз-бол сукули

Тепаси ярым дор-ира дар-воза

Отелло асари қаҳрамони


Рамзон бай амали

Сўнги хайрлашу, айримки

Торға тор дунё кенга дунё

Автомобил русуми

Пугачёва ("Миллион")



Муҳаммад Алининг Бирмингем марказий масжидига ташрифи. 1983 йил, Буюк Британия

«МИЛЛИЙ ТИҚЛАНИШ» ДИМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минхожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзоҳдон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир: Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир: Раъшан МАҲМУДОВ
Навбатчи: Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи: Маъмуржон ҚУДРАТОВ, Умид АРСЛОНБЕКОВ, Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ, Соҳиба СОЛИЕВА

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
Адали – 24 950.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қўғоз бичими: 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 916
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 4:30

Электрон почта: mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru ISSN 2010-7714